*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 168 (9664). • 1989 йил 7 сентябрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## ҲОСИЛНИ ВАҚТИДА ВА НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

**5 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда пахта териш кампаниясини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари кўриб чиқилди.**

Ушбу йиғинда партия ходимлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, республика Давлат агросаноат комитетининг мутахассислари, олимлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов кенгашни қисқача кириш сўзи билан очди.

У пахта ўзбек халқининг, бутун совет халқининг ифтихори, республиканинг асосий бойлиги эди, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, деди. Шунинг учун ҳам пахта етиштириш юзасидан давлат буюртмасини бажариш учун энг кўп куч-ғайрат сарфлаш барча коммунистлар, ҳамма пахтакорлар, республика бутун аҳолисининг бурчидир. Бу — умумхалқ ишидир ва ҳар бир киши унга дахлдорлигини ҳис этиши лозим.

Бу яна шунинг учун зарурки, сўнгги йилларда пахтакорлик касб-корининг обрў-эътиборидан путур кетди. Ана шу салбий муносабатни бартараф этиш, одамларнинг бу борадаги руҳиятини ўзгартириш партия, совет хўжалик ташкилотларининг вазифасидир. Қишлоқ ва шаҳар бир-бири билан боғлиқлигини ҳар бир одам аллақачон тушуниб олиши керак эди. Агар қишлоқ бадавлат бўлса, шаҳар ҳам бадавлат бўлади. Деҳқонлар ҳамиша шаҳарга ёрдам бериб келишди. Бугун эса улар шаҳарликларнинг мададига умид боғлашларига ҳақлидирлар. Агар биз бир сафда туриб ишласак, агар йиғим-теримда пахтакорларга ёшу қари барча ёрдам берса, умумий ишимиз наф кўради.

Ахир пахта — фақат толагина эмас. Бу ўсимлик ёғи ва кунжара, бу чорва молга бериладиган чигит пўстлоқдир. Бу неча ўнлаб турдаги бошқа маҳсулотлардир. Республикамизда саноат ялпи маҳсулотининг 70-80 проценти пахта билан боғлиқдир.

Кенгашда бу йил пахтачилик учун ниҳоятда оғир йил бўлаётгани таъкидланди. Апрель ойининг охири ва май ойининг бошида бўлган жала ва тўсатдан тушган совуқ жуда катта зиён етказди. Бунинг оқибатида деҳқонлар 1 миллион гектардан кўпроқ ерда чигитни қайтадан экишга мажбур бўлдилар.

Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати шарофати билан, август ойида об-ҳаво қулай келгани туфайли экинларнинг аҳволи бир қадар ўнглаб олинди. Аммо пахтакорлар йиғим-теримга тайёргарлик кўриш билан бирга ҳосил тўплаш юзасидан ишни ҳам кучайтиришлари керак.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек бутун йиғим-теримга тайёргарлик якунловчи босқичга кирди, деб айта олмаймиз. Ҳали кўп иш қилиниши керак. Далалар, техникани тайёрлаш, одамларни сафарбар этиш, улар учун нормал маиший қулайликлар яратиш лозим бўлади.

Бу йил дефолиация кечроқ — 15-25 сентябрь кунлари авжига чиқади. Фурсат ғанимат. Чунки 1.525 минг гектар ерга ишлов бериш, шундан 1 миллион гектаридан кўпроғига ерда ишлатиладиган механизмлар билан ишлов бериш лозим бўлади. Жуда самарали ишлайдиган штангали пуркагичлар республикамизда камлиги учун энди бу ёғи ана шу механизмлар ишини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Механизация ёрдамида йиғим-теримни ўтказиш тақдири ҳам ташвиш уйғотмоқда. Ҳозир шпинделлар йўклиги учун 1800 та машина мавсумга тахт қилинмаган. Колхозлар ва совхозлар, район ремонт ишлаб чиқариш корхоналарида эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Ана шу маcалаларнинг ҳаммасини йиғим-терим ялписига бошланганда эмас, балки ҳозир ҳал қилиш керак.

Кенгашда пахтани қўлда териб олишга тайёргарликка алоҳида эътибор берилди. Октябрь ойининг об-ҳавоси беқарор бўлади, деган тахминлар айтилди, ҳосил учун курашда эса худди ана шу ой ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аммо кишиларимизнинг юксак онги, улар деҳқонларга ёрдамга келишади ва йиғим-теримда жуда фаол иштирок этишади, деб айтиш учун бизга асос беради.

Аммо хўжалик ислоҳоти шароитида дағдаға эмас, балки иқтисодий омиллар ишга солиниши керак. Ижарачилар, оилавий звенолар, пудрат коллективларига ортиқча ишчи кучини тиқиштириш керак эмас. Аммо ишчи кучи зарур бўлган ерларда эса олий ўқув юртлари, шаҳар корхоналар ва ташкилотларининг раҳбарлари хўжаликлар билан шартномалар тузиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари, барча теримчиларга меҳнат қилиш ва яшаш учун нормал шароитлар яратилганлигига яна ва яна ишонч ҳосил қилишлари керак.

Бунинг устига йиғим-теримда банд бўладиган кишиларга зарур маиший шароит яратишдаги аҳвол ҳозирча дуруст эмас. Мавжуд 18,7 минг дала шийпонидан фақат 16,8 минги теримчиларни қабул қилиб олишга шай қилиб қўйилган. Сирдарё области хўжаликларида аҳвол айниқса нохушдир, республика пойтахтидаги студентларнинг кўпчилиги эса ана шу областда пахта терадилар.

Теримчилар учун маиший шароит яратиш масалаларида майда-чуйда нарсалар бўлмаслиги кенгашда яна бир бор таъкидланди. Ичимлик сув билан таъминлашдан тортиб савдо ва медицина хизмати кўрсатишгача барча масалалар йиғим-терим бошлангунича ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети барча партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларидан йиғим-теримни ташкил этиш масалаларини пухта ўйлаб ҳал этишни талаб қилади.

Бу йил давлат пахта териш мавсумини ўтказишга қўшимча тарзда 370 миллион сўм, келгусида яна 850 миллион сўм ажратади. Бу эса хўжаликларнинг раҳбарларига зарур бўлган жойларда мавсум бошиданоқ қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 20 тийингача ҳақ тўлаш имконини беради. Бу чевар теримчиларни меҳнатга рағбатлантиради, албатта, шундай қилиб йиғим-теримни тез, сифатли ва нобудгарчиликсиз ўтказиш имконияти туғилади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. М. Мирқосимов, Ж. Ҳамидов, И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## «СОЮЗ ТМ-8» ПАРВОЗДА

*ТАСС ахбороти*

**Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1989 йил 6 сентябрь куни Москва вақти билан соат 1 дан 38 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-8» космик кемаси учирилди. Уни кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси полковник Александр Степанович Викторенко ва борт инженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Александр Александрович Серебровдан иборат экипаж бошқармоқда.**

**Учиш программасида «Союз ТМ-8» кемасининг «Мир» орбитал комплекси билан туташтирилиши ва унинг ичида режалаштирилган тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг ўтказилиши назарда тутилган.**

**Телеметрик ахборот маълумотларига қараганда, кема ичидаги системалар нормал ишламоқда.**

**Космонавтлар Викторенко ва Серебров ўзларини яхши ҳис этишмоқда.**

**«Союз ТМ-8» кемасини 8 сентябрь куни «Мир» комплекси билан туташтириш мўлжалланган.**



Суратда: СССР космонавт-учувчилари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари А. С. Викторенко ва А. А. Серебров.

А. ПУШКАРЕВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.

### ВИКТОРЕНКО АЛЕКСАНДР СТЕПАНОВИЧ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Александр Степанович Викторенко 1947 йил 29 март куни Шимолий Қозоғистон областининг Сергеевка районидаги Ольгинка қишлоғида туғилди.

Оренбургдаги И. С. Полбин номли учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини 1969 йилда тугатганидан сўнг ҳарбий-ҳаво кучларида хизмат қилди. Учиш ишлари давомида самолётларнинг ўн хилини ўзлаштирди. «1 класс ҳарбий учувчи» ва «3 класс синовчи учувчи» малакасига эга.

А. С. Викторенко 1968 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Александр Степанович 1978 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинган. У 1987 йилнинг июль ойида «Мир» комплекси ичида тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказган Совет-Сурия экипажининг командири сифатида космосга илк бор парвоз қилган эди. Унга «3 класс космонавти» деган малака берилган.

### СЕРЕБРОВ АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВИЧ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Александр Александрович Серебров 1944 йил 15 февраль куни Москвада туғилди.

У 1967 йилда Москва физика-техника институтини тамомлади. Сўнг тўққиз йил давомида мазкур институт кафедраларидан бирида илмий фаолият билан шуғулланди.

1976 йилдан техника фанлари номзоди бўлган А. А. Серебров «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайди. У ўзини мураккаб инженерлик ва илмий вазифаларни мустақил ҳал этишга лаёқатли, техникавий жиҳатдан саводли ва ташаббускор ходим сифатида кўрсатди. Космик аппаратлар яратишда, унинг синовларида ва шу аппаратларни учиришда қатнашди.

А. А. Серебров 1976 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

У космонавтлар отрядига 1978 йилда қабул қилинган.

Александр Александрович икки марта: илк бор 1982 йилнинг августида «Союз Т-7» кемаси ҳамда «Салют-7» орбитал станциясида, иккинчи марта эса 1983 йил апрелида «Союз Т-8» кемасида космосга парвоз қилган. Унга «3 класс космонавти» малакаси берилган.

А. А. Серебров «Союз» Бутуниттифоқ ёшлар аэрокосмик жамиятининг президентидир.

*• Номерга хабар*

## ИЛК ХИРМОНЛАР

**Ўзбекистондаги бир қанча областларнинг деҳқонлари пахтани саралаб теришга киришдилар. Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм далаларида пахта терими бошланди. Республиканинг бошқа ерларида ҳам тезпишар навлар очила бошлади.**

**Редакциямиз Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Р. С. Назаровдан «оқ олтин» мавсуми арафасида тармоқда вужудга келаётган аҳволни шарҳлаб беришни илтимос қилди.**

— Баҳорги об-ҳаво инжиқликлари ва сув танқислиги оқибатида ғўза ривожланишдан 10—20 кун орқада қолмоқда. Авваллари худди шундай кунларда пахта карвонлари тайёрлов пунктларига турна қатор жўнатилган бўлса, бу йил айрим далалардагина қўл терими бошланди. Афтидан, ойнинг охирларидагина оммавий теримга киришилса керак.

Бошқа бир ҳолатни: далалардаги ғўзалар одатдан ташқари ҳар хил ривожланаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Чигитни неча марталаб қайта экиш ўз таъсирини кўрсатди. Шу сабабли ҳатто бир районнинг ўзида очилган кўсакларни ҳам, эндигина пайдо бўлаётган кўсакларни ҳам кўриш мумкин. Шундай қилиб, кўп жойларда терим жуда кеч бошланади, мавсум бир маромда ўтмайди.

Лекин яқин кунларда ғўза дефолиацияси бошланиб кетади. Бу йилги шароитда дефолиацияни оммавий равишда ўтказишнинг ўзи анча қийин бўлади. Хоразм областидаги «Боғот» совхозининг деҳқонлари бу ишни биринчи бўлиб бошладилар, бошқа хўжаликлар ҳам тайёр туришибди. Умуман ғўза баргини тўктириш кампанияси аввалги йилларга қараганда ўзининг иккита асосий хусусияти билан ажралиб туради. Биринчидан, ҳаводан туриб далаларда ғўза баргини тўктириш янада қисқаради, ҳамма ерда ернинг ўзида дефолиация қилишга катта эътибор берилмоқда. Иккинчидан эса, Ғарбий Германиянинг «дропп» деб аталган заҳри кам дорисидан кенг миқёсда фойдалана бошлаймиз. Энди бу доридан 120 минг гектар ерни дефолиация қилишда фойдаланилади.

Хўжаликларда шу мақсадда ўқиш ташкил этилди, мутахассислар мана шу ва бошқа химикатларни қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор қилинди, техника тайёрлаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

**• ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ АРАФАСИДА**

## ЎТ ТУШИШИ ШАРТМИ...

ЭҲТИЁТКОР одамни худо сақлайди, деган гап бор. Лекин худога ишонгину ўзинг ҳам янглишма деган нақл ҳам бор. Мана шу доно фикрни кўпчилик уқиб олмаганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам ялло қилиб юраверишади, эртани ўйлашмайди. Табиий офат содир бўлганида эса, буни қаранг, энди, ким ўйлабди дейсиз, деб елка қисишади.

Мисолларни ҳам айтиб ўтсак бўлади. Наҳотки пахта заводларининг раҳбарлари йиғим-теримга саноқли кунлар қолганини билишмаса. Билишади. Пахта гув этиб ёниб кетишидан ҳам хойнаҳой хабарлари бордир. Лекин мавсумга ёнғинга қарши кураш воситаларини тайёрлаб қўйишга қўллари тегмагани қизиқ.

Қорасув пахта заводининг директори Н. Муҳаммаджонов тажрибали одамга ўхшайди. Аммо водопровод шохобчалари авария ҳолатида, буни энди ўт билан ўйнашиш десак арзийди. Бунинг устига, пахта омборларида ёнғинни ўчиришнинг автоматик воситалари йўқ. Бу ноҳуш аҳвол кечагина содир бўлгани йўқ. 1985 йилдаёқ «Ташкентская правда» газетаси шу ҳақда ёзган эди. Хуллас, газетада ёзишди, газетхон ўқиди. Завод мутахассисларининг эса парвойифалак, гўё корхона ёнғин билан хавфсизлик шартномаси тузгандай.

Тошкент область «Хлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бундай шартномани тузмаган, албатта. Ёнғиндан муҳофаза қилиш ходимлари ҳар йили шу бирлашма корхоналарида камчиликлар борлигини қайд этадилар. Раҳбарларга тавсияномалар ҳам тақдим этилади. Аммо ҳеч нарса ўзгармайди.

Ёнғиндан муҳофаза қилиш ходимларининг фикрича, Чиноз, Далварзин ва Алимкент пахта заводлари, «Тўйтепа» тайёрлов пункти ва бошқа корхоналар ҳам мавсумга шай эмас.

Ваҳоланки, бирлашма корхоналарида ёнғин чиқиб турибди. Сўнгги икки йил ичида 10 марта ўт тушди. Октябрь тайёрлов пункти ва Бектемир пахта заводида чиқиндилар ёнди. Болаларнинг шўхлиги оқибатида «Интернационал» ва «Тўйтепа» пунктларида ёнғин чиқишига сал қолди. Электр симлари носозлиги туфайли Қорасув заводида, Ўзбекистон ССР 5 йиллиги номли совхозда ва «Оқтепа» пахта пунктида ёнғин бўлди. Солдатское ва Бекобод пахта заводларида ҳам оловнинг «қизил тили» қутқу солди.

Ўт ўчирувчилар, ана шу корхоналар ходимларининг ғайрати ва мардлиги туфайли, ҳайтовур, одамлар нобуд бўлмади ва кўп зарар кўрмади. Лекин ҳамиша ҳам омад юришавермайди.

Бирлашмада ўт тушиш хавфига бепарво бўлмаётган заводлар ҳам бор, албатта. Бу ердагилар ҳамиша ўт ўчиришга шай. Масалан, Пискент заводи мутахассислари ташаббус кўрсатиб, тележкаларга электр ўт ўчириш насослари ўрнатдилар. Шу боисдан ҳам бу кўчма насосларни ўт чиққан жойга бир лаҳзада етказиб бориш мумкин. Сарф-харажат кам бўлса ҳам, лекин фалокат рўй бергудек бўлса катта наф кўрилади. Янгийўллик пахта тозаловчилар ҳам ёнғинни даф этишга тайёрлар. Нега энди бошқа корхоналар булардан ибрат олишмаяпти?

Хулоса шуки, бирлашманинг заводлари ва тайёрлов пунктларида ёнғин билан ўйнашиб, бепарволик қилишаётгани ташвишлидир.

Ю. БОНДАРЕНКО,
ЎзТАГ мухбири.

## ФАХРИЙ ЁРЛИҚ МУБОРАК

Кўп йиллик ва самарали меҳнати, жамоат ишларида фаоллиги учун қуйидагилар Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар:

**Тоқтош Рафаил Ходиевич** — Ҳамза номли санъатшунослик институти замонавий тасвирий-санъат сектори катта илмий ходими, санъатшунослик доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

**Ҳамидова Марфуа Азизовна** — Ҳамза номли санъатшунослик институти театр ва хореография сектори катта илмий ходими, санъатшунослик номзоди.

**Хўжаева Саодат Аъзамовна** — Ҳамза номли санъатшунослик институти кино ва телевидение сектори катта илмий ходими, санъатшунослик номзоди.

**Пугаченкова Галина Анатольевна** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Визго Тамара Семёновна** — Ҳамза номли санъатшунослик институти замонавий музика ва фольклор сектори катта илмий ходими.

## ШАҲРИСТОН ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

**● ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ эски шаҳар қисми маркази — Шаҳристон қандай бўлади? Пойтахт архитекторлари ўртасида ўтказилган экспресс—конкурс ана шу саволга жавоб берди. Янги бош планга кўра эски шаҳарни ўтмиш йиллардаги жонкуяр «қайта қурувчилар»дан омон қолган иморатларни энг кўп даражада сақлаб қолиб реконструкция қилиш мўлжалланган. Экспресс—конкурс белгиланадиган ишларни ойдинлаштириш имконини берди. Реконструкциялаш учун маблағни шаҳар ижроия комитети ажратади.**

## КОНФЕРЕНЦИЯ ОЧИЛДИ

5 сентябрь куни Тошкентда очилган регионал конференция «Миллатлараро муносабатларни ва байналмилал тарбияни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда «Совет Шарқи адабиётлари ўзаро алоқалари ҳамда бир-бирига таъсирининг миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбияни ривожлантиришдаги роли» мавзуига бағишланди. Конференцияда СССР Фанлар академияси жаҳон адабиёти институтидан, Москва университетидан, кўпгина иттифоқдош республикалардан олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг миллий муаммоларга бағишланадиган Пленуми арафасида ўтказилаётган конференция жамиятни ривожлантиришга адабиёт таъсирининг назарий жиҳатларини тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйган. Конференция иштирокчилари кўп миллатли совет адабиёти тарихига янгича баҳо бериш ва қатор бошқа комплекс муаммоларни муҳокама қиладилар.

Конференция доирасида ўтказиладиган давра суҳбатида олимлар, адиблар, «Вопросы литературы» журнали, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг вакиллари қатнашадилар.

(ЎзТАГ).

*• Касаба союзлари ва ҳаёт*

## ШАҲАРЛИКЛАР ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШМОҚДА

**Тошкентлик оилаларнинг яна саккиз минг нафари деҳқончилик сирларини ўргана бошлади. Тошкент область ижроия комитети ўтган ёзда сабзавот ва мева етиштириш, ўзларининг хонаки фермаларини тузишни хоҳлаган оилаларга шунча боғ-ҳовли ажратди.**

**— Тармоқ касаба союзлари бу муҳим иш билан қаттиқ шуғулландилар. Республикада уй-жой-маиший муаммоларни ҳал этиш комиссиялари тузилди. Улар меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетлари билан қалин алоқада ишламоқдалар,— дейди Узсовпроф бўлими мудирининг ўринбосари М. Г. Сайфуддинов.— Коллектив бўлиб деҳқончилик билан шуғулланишни истаган барча ташкилотлар рўйхатга олинган. Ўтган йили фақат тошкентликларнинг ўзига 3 минг гектардан ортиқ ер ажратилди. Бу йил боғ-ҳовлилар учун яна 2 минг гектар ер ажратилиши мўлжалланмоқда. Лекин бу ҳам етарли эмас — чунки фақат Тошкентнинг ўзида 90 мингга яқин киши навбат кутиб турибди. Яқин бир-икки йил ичида боғ-ҳовли олиш учун ариза берган кишиларнинг ҳаммаси ерга эга бўлади.**

**Шаҳарликлар қишлоқ меҳнаткашларини қисиб қўйишмасмикан? У ёки бу қишлоқ оиласи асрлар давомида ишлаб келган энг яхши ерларни эгаллаб олишмасмикан? Бунинг устига ота-боболари деҳқон ўтган кишилар мутахассислар ёрдамига, яхши маслаҳатга муҳтож бўлган ҳаваскор боғбонларни қандай қабул қилишаркин?**

**— Тошкент областининг қишлоқ аҳолиси учун ер етарли даражада. 1988 йилда уларга 494 гектар ер ажратилди. Энди колхозчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган колхоз ва совхозларнинг ишчи ҳамда хизматчиларига қарашли томорқа ерларнинг умумий майдони 23,4 гектарни ташкил этади,— дейди М. Г. Сайфуддинов. Бугунги кунда ҳар бир қишлоқ оиласига шаҳар боғ-ҳовлисига нисбатан икки баравар кўп, яъни ўн бир сотих ер тўғри келади. Лекин бу ҳам чегара эмас. Ярим йилликда қишлоқ аҳлига томорқа учун 290 гектар суғориладиган ер ажратилди. Тошкент областининг колхоз ва совхозларида меҳнат қилиб, ўз томорқа хўжаликларига эга бўлган кишиларни ер билан таъминлаш учун йил охиригача яна 20,5 минг участка ажратиш режалаштирилмоқда.**

**Қишлоқда якка тартибда сабзавот ва мева етиштириш билан бутунлай шуғулланишни хоҳлаган кишилар олдида катта истиқбол очилмоқда. 1990—1993 йилларда қишлоқ ташқарисидаги томорқа ерларини 20 сотихгача кўпайтириш режалаштирилган. Бунинг учун хўжаликлардаги колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг юз минг оиласига деярли ўн бир минг гектар ер керак. Паркент канали иккинчи навбатининг суғориш зонасида резервлар топилди. Мавжуд лойиҳага биноан бу майдонлар 2,8 минг гектарни ташкил этади. Ҳозир ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда ва улар яқин икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.**

**Касаба союзлари ва Тошкент область ижроия комитетининг депутатлар комиссияси: колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар шахсий ёрдамчи хўжаликлари учун ер участкалари ажратиш тартибини соддалаштириш тўғрисида яна бир фойдали таклиф киритдилар. Узоқ муддат қоғозбозлик билан шуғулланишни бекор қилиш ва қишлоқ Советлари ҳамда район ижроия комитетларининг қарорлари билангина чекланиш таклиф этилди.**

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

## ТИЛНИ БОЛАЛИКДАН ЎРГАТАЙЛИК



«Тошкент ҳақиқати» редакциясида КПССнинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати платформаси лойиҳасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбати ҳисоботи газетанинг иккинчи бетида босилипти.

М. НАЗАРОВ суратлари.

